НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА КЛАСТЕРЛАШУВ ЖАРАНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Усубжонов Захриддин Васлиддин ўғли
Наманган давлат техника университети
“Маркетинг” кафедраси PhD.
https://doi.org/10.5281/zenodo.15390887

Аннотация. *Мақолада Наманган вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш соҳасида кластерлашувни ташкил этишнинг ташкилий имкониятлари таҳлил қилинган. Вилоятда қурилиш материаллари бозорини ривожлантиришда кластерлаштириш ахамияти баён этилган.*

Калит сузлар. *Кластер, қурилиш кластерлари, ахолининг уй-жой билан таъминланиши, қўшимча қиймат занжири, револьвер кредитлар, ихтисослаштирилган туманлар, саноат кооперацияси.*

Кириш. Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширищда замонавий маркетинг стратегияларидан фойдаланиш давлат, бизнес, илм-фаннинг ягона ўзаро хамкорлик тизимини ривожлантириш асосида яратишни тақазо этмоқда. Бунга фақат “кластер” ёндашуви орқалигина эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони тасдиқланди. Тараққиёт стратегиясида кўрсатилган еттита устувор йўналишларни амалга ошириш учун, хар бир йўналишни ривожлантириш бўйича алоҳида мақсадлар белгиланди. **“Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ”** бўйича кўрсатилган 22-мақсад: “ Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш” тўғрисида бўлиб, унда белгиланган вазифани амалга ошириш бўйича йўналишлар кўрсатилган:

- ✓ Саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш
- ✓ **Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш**
- ✓ Йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперацияни ривожлантириш каби бир қатор йўналишлар белгиланган.

Тараққиёт стратегиясининг 2 иловасида амалга ошириш механизмлари келтирилган бўлиб, унга кўра 2022-2026 йилларда 5 млрд АҚШ долларлик лойиҳаларини амалга ошириш орқали қурилиш материаллари соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва бунда:

- ҳудудларда **14 та** уй-жой қурилиш кластерлари ва **8 та** ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш ҳамда **2 ой** муддатда лойиҳалар рўйхатини шакллантириш;

-16 та ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш;

- янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва бошқа қурилиш харажатларини камайтириш ҳисобига қурилишга кетаётган вақтни **30 фоиз**га камайтириш ҳамда қурилиш таннархини **20 фоиз**га арзонлаштириш;

-соҳадаги **1 650 та** корхоналарда техник талабларни амалда қўлланишини баҳолаб, корхоналарда **4,5 минг**дан зиёд халқаро стандартлар ва **6 та** техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарда чет мамлакатларнинг талабларини етказиш бўйича корхонабай чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш каби чора тадбирлар белгиланган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-декабр куни "**Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича"** видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда қурилиш материаллари нархини арзонлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бунда кластер усули самарали экани қайд этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан кластерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича шундай фикр билдирилди : **"Инфратузилма харажатларини қисқартириш учун бу кластерларни мавжуд хомашё ёки йирик корхоналар атрофида ташкил этиш керак. Уларнинг ёнида логистика, илм ва инновация марказлари, замонавий лаборатория ташкил этиб, бозорни ўрганишни бирлаштирса, экспорт ва ички бозорларда рақобатдош кластер пайдо бўлади". Мамлакатимизда кластерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди**:

- 2022 йилда янги ташкил этиладиган кластерлар инфратузилмасига 200 миллиард сўм ажратилиши;
- Қурилиш кластерларига айланма маблағ учун 10 миллиард сўмдан револьвер кредитлар, замонавий техника ва ускуналар сотиб олиш учун 2 миллион долларлик узоқ муддатли кредитлар ҳамда 2 йилга божхона имтиёзлари берилиши белгиланди;

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. "Кластер" атамаси французча сўз бўлиб, "панжа", "боғлам", "гурух" "тупланиш", "турғун" маъноларини англатади. Шу билан бирга, "кластер" танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида ҳам ифодаланади. Кластер назариясининг ривожланишида (Америка, Британия, Скандинавия ва бошқалар) илмий мактаблари шаклланган.

Ҳусусан, Америка олимлари М.Портернинг **«рақобатда устунлик назарияси»**,[1] М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценнинг **«минтақавий кластерлар концепцияси»**,[2] А.Маршаллнинг **«саноат ҳудудлари назарияси»**,[3] П.Бекатиннинг **«Итальян саноат округлари назариялари»**,[4] М.Сторпернинг **«идеал»** ҳудудий кластер назариялари яратилган. «Қўшимча қиймат» ва «кластерлар занжири уйғунлиги» каби назариялар ҳам шу гуруҳдан ўрин олган. Келтирилган назарияларда кластер – товар (хизмат) ишлаб чиқарувчиларини ягона технологик занжирини ҳудуддаги инжиниринг, маркетинг, дизайн ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашишига асосланган инновацион стратегия эканлиги назарда тутилади. "Кластер" назариясини асоси бўлиб Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган "Иктисодиёт

принциплари” номли асарида (1890й) “ихтисослашган тармоқ- соҳаларнинг алохида худудларда уйгунлашиши” туғрисидаги фикр-мулохазалари хисобланади. “Кластер” назариясини асосчиси америкалик олим Майкл Портер хисобланади. Майкл Портер кластер ёндашувини қуйидагича талқин этади: “Кластер”-бу ишлаб чиқарувчи корхоналар куч ғайратини асосий муаммо – товарларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратиш ва улар билан хамкорликда ягона технологик занжирда (алоқада) бўлган хизмат кўрсатувчи ҳамда илмий-услубий бўғинлар мажмуасини шакллантиришдан иборат. Кластер - бу яқин жойлашган корхона ва ташкилотлар умумийлигининг муайян шакли мавжудлигини таъминлайдиган, ўзаро харакат тезлиги ҳамда даражасини оширадиган географик минтақа доирасидаги тармоқ шаклидир. Яхши ишлай олган кластер босқичма босқич бўйсуниш тармоқлари доирасидан чиқади ва тадбиркорлар, корхоналар ҳамда хамкорлик бўйича бошқа ташкилотлар ўртасида харакатлар ўзаро алоқаларга айланади[1]. Кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг услубий - ташкилий муаммолари жахондаги етук олимлардан А.Маршалл, К.Кетелс, О.Солвел, М.Энрайтларнинг хам ишларида хам ўрганилган. Худудларда кластерлар ташкил этишнинг турли жихатлари Россия ва МДХ олимларидан В.В. Илъин, А.М.Колин, К.А.Вера, У.Х.Абдуллоев, Л.Г.Юлия, Е.В.Юлия[5] лар томонидан хам тадқиқ этилган. Улар кластерларнинг мохияти, ишлаб чиқаришни замонавий ташкил этишда кластерлар роли, худудларда қурилиш материаллари кластери ташкил этиш учун ишлаб чиқариш қувватлари фаолиятини такомиллаштириш, тармоқни ҳудудий кластерлашнинг мавжуд ташкилий, иқтисодий ва ресурс шартларини тадқиқ қилиш ва таҳлил қилишга асосланган бўлиши кераклигини ёритиб берган. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, корхоналарнинг кластерлашуви саноатнинг изчил ривожланишига имкон яратади, харажатларни камайтиради, ички бозорнинг ўсишига ва ташқи бозорларга чиқишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини яратишга ёрдам беради. Юқорида келтирилган маълумотларга биноан саноатда кластерлаштиришни ташкил этиш ривожланиш омили эканлигини кўришимиз мумкин. Хозирги кунда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати ва қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда аммо вилоятда кластерлашнинг роли ва уни ташкил этиш масалалари хали ўрганилгани йўқ.

Тахлил.

Наманган вилоятида қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш, ахолини арзон ва сифатли уй-жойлар билан таъминлаш, мавжуд хом ашё ресурсларидан оптимал фойдаланиш учун вилоятда илм-фан инновация марказлари, замонавий лаборатория ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва бозорни ўрганишни бирлаштириб, экспорт ва ички бозорларда рақобатдош кластер ташкил қилиш орқали эришиш мумкин деб хисоблаймиз. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича кластернинг асосий вазифаси саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш базасини янгилаш ва кенгайтириш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан бирга, иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уй-жой қурилиши бозоридаги вазиятни фаоллаштиришдан иборат.

Вилоятда қурилиш материаллари кластерни яратиш учун Наманган вилоятида бир қатор омиллар мавжуд: хом ашё ресурслар захираларининг мавжудлиги, қурилиш

[1] М.Портер. Конкуренция. Издателский дом “Вильямс” М.Санк Петербург. 2005.

материаллари ишлаб чиқарувчи йирик худудий корхоналарнинг мавжудлиги, ривожланган инфратузилма, юксак салохиятли кадрлар тайёрлаш бўйича ОТМ мавжудлиги, лойиха ташкилотлари фаолияти, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга туманларниг ихтисослашуви, транспорт йўналишлари жойлашиши қулайлиги, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби бир қатор омиллар мавжуд.

Наманган қурилиш материаллари саноатини "кластер" стратегияси асосида ривожлантириш учун куйидаги имкониятлар мавжуд:

Биринчидан, Наманган вилояти ўзининг жойлашуви, геологик имкониятлари жихатидан қурилиш материалларини ривожлантириш учун жуда қулай худуд хисобланади. Сабаби бу ерда минерал хом ашё ресурслари мавжуд. Вилоятда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури асосида амалга оширилиши режалаштирилиётган лойихаларнинг кўпчилиги цемент, қурилиш ойнаси , пардозбоп тошлар, қуруқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга асосланган чунки уларни хом ашёсининг катта захиралари мавжуд.Вилоятдаги мавжуд конларда 2,5 млн тн ойна хом ашёси, 56,9 млн тн цемент ашёси, 5,8 млн $м^3$ пардозбоп тошлар, 9,8 млн тн охактош ва 8,4 млн тн қурилиш тошлари каби кўплаб конларда қурилиш материаллари захиралар мавжуд.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.06.2021 йилдаги "Худудларнинг саноат салохиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги (ПФ-6244 сонли) фармонининг 2-иловасига мувофиқ 24 та туманларни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш белгиланган. Унга кўра Наманган вилоятининг Уйчи, Учқўрғон, Чуст туманлари пардозбоп ғишт ишлаб чиқариш ва Поп тумани табиий тошни қайта ишлаш, пардозбоп плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви белгиланган.Унда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига махаллий саноатни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар юклатилган:

-"қўшимча қиймат занжирлари"ни кенгайтириш, ишлаб чиқариш таннархи ва харажатларини камайтириш, тайёр махсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни махаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

-замонавий тенденцияларни хисобга олган холда махаллий саноат корхоналир учун профессионал кадрлар тайёрлаш, тренинг дастурларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Учинчидан, махаллий ва жахон бозорларидаги рақобат курашида қатнашиш ва ўз ўрнини эгаллашга интилаётган фирмалар ва корхоналар жуда кўп, хали тайёргарлик жараёнидаги бозор субъектлари бор. Буларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатда яратилаётган ижобий бизнес мухити – солиқ имтиёзлари, сохани ривожлантириш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар, ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирилиши муаммо ечимини бир томони. Асосий масала эса, ички ва ташқи бозорлардаги рақобат мухитига фақатгина маркетинг тадқиқотларини олдиндан ўтказиш, талаб,таклиф ва бахо ўзгаришларини ўз вақтида англаб бориш, товарлар рекламасини ташкил қила билиш ва сотиш усулларини танлаш каби бош масалалар мавжуд. Хозирда ишлаб турган корхоналар мустақиллигига халақит бермаган ҳолда уларга илмий – услубий ва бошқа хизматлар кўрсатиш лозим.

Тўртинчидан, собиқ Наманган мухандислик-педагогика институти "мухандислик-қурилиш" институтига айлантирилиб, бутун фаолияти қурилиш ва қурилиш материаллари корхоналари учун қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини

ишлаб чиқариш, архитектуравий ва дастурий лойихалаш, мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи, бино-иншоотлар қурилиши, транспорт логистикаси ва хизматлар сохаси, информатика ва ахборот технологияси, шахарсозлик ва коммунал инфратузулмани бошқариш, метрология ва стандартлаштириш, иқтисодиёт, менежмент каби сохаларда кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилди. Ушбу таълим марказида Фарғона водийси вилоятлари учун қурилиш ва қурилиш материаллари саноати корхоналарининг илмий-услубий маркази ҳам шаклланмоқда. Аммо мазкур илмий салохиятдан самарали фойдаланишнинг асосий йўналиши ишлаб чиқариш билан узвий боғланишдир. Ишлаб чиқаришни институтнинг ўқув ва илмий жараёнларига боғлаш рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни ва товарлар ишлаб чиқаришни кафолатлайди ҳамда саноатни инновацион йўл билан ривожланишига имкониятлар яратади. Мазкур муаммони “кластер” назарияси асосидаги “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластери шаклида ечимини топиш мумкин деб хисоблаймиз. “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини ташкил этилиши Наманганда замонавий “кластер” стратегиясига асосланган қурилиш ва қурилиш материаллари саноатни фундаментал ривожлантириш тизимини шакллантиришга ва чет эл инвесторларини янада кўпроқ жалб этишга имкониятлар яратади деб хисоблаймиз.

“Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини ташкил этиш тармоқнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини тегишли равишда юқори суръатларда ўсини таъминлашнинг асоси хисобланади. Унинг иқтисодий самарадорлигининг асосий меъзонларини қуйидагиларда акс этади:

- тармоқда ахоли бандлик даражасини ошиши
- экспорт салохиятини ошиши
- тармоқнинг бюжетга тўловлардаги хиссасини ортиб бориши.

-қурилиш материаллари бозорини янги махсулотлар билан бойитиш ва бозорни ривожлантириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

[1] Портер М. «Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран» (пер. с англ.) М.: Издательств «Международные отношения», 1993.

[2] Enright M. Regional Clustersand Economic Development: A Research Agenda, in Staber, U., Schaefer, N. and Sharma, B., (Eds.) “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”: Walter de Gruyter, pp. 190-213.

[3]Маршалл А. Принципы экономической науки, т. I - III. Пер. с англ. — М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.

[4] Бегаттин П. - Becattini G. From Marshalls to the Italian «Industrial Districts»/ www.copetitivness.org. 2015

[5] В.В.Илъин “Методи формирования кластеров в промышленности” Авт.Дисс. кан. Эко. Наук / Санк-Перетбург-2010 У.Х.Абдуллоев “Формирование развитие регионалъного строителъного кластера”. Авт.Дисс. кан. Эко. Наук/ Душанбе-2019

Е.В.Юлия “Моделирование логистеческих бизнес-процессов в кластере промышленности строителъных материалов”Авт.Дисс. кан. Эко. Наук/ Ростав-на-Дону-2016

А.М.Колин “Формирование развитие кластеров в экономике региона” Авт.Дисс. кан. Эко. Наук/ Владимир-2010

Л.Г.Юлия “Кластеры как рыночный институт пространсвенного развития экономики региона” Авт. Дисс. Дос. Эко.Наук/ Екатеринбург-2009

[6] Бондаренко Андрей Александрович “Организационно –экономический механизм развития предприятий промышленности строителъных материалов” Авт. Дисс. Кан. Эко.наук. Москва-2019

[7] Янги Ўзбекистонинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси. http://2022-2026.strategy.uz/strategy.php

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.06.2021 йилдаги “Худудларнинг саноат салохиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги (ПФ-6244 сонли) фармонини./ nrm.uz/

[9] namstat.uz